Зоҳидулло МУНАВВАРОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар кафедраси мудири
сиёсий фанлар доктори, профессор
E-mail: z.munavvarov@uz

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ: ҚАДИМИЙ ТАРИХ, ЯНГИЧА МАЗМУН

СВЯТЫЕ МЕСТА УЗБЕКИСТАНА: ДРЕВНЯЯ ИСТОРИЯ, НОВОЕ СОДЕРЖАНИЕ

SACRED SHRINES OF UZBEKISTAN: ANCIENT HISTORY, NEW CONTENT

Аннотация: *Мақола зиёрат туризми феноменининг пайдо бўлиши, жаҳон сайёҳлик индустрияси таркибидаги ўрни, мусулмон дунёси кесимидаги хусусиятлари, Ўзбекистондаги тарихий эволюцияси, Тошкент шаҳри мисолидаги инфраструктурасининг шаклланиш жараёнлари, ривожланиш салоҳияти ва истиқболлари таҳлилига бағишланган.*

Калит сўзлар: *зиёратгоҳ, Ўзбекистон, тарих, туризм, сайёҳ.*

Аннотация: *Статья посвящена анализу зарождения феномена религиозного туризма, его места в структуре мировой туристической индустрии, особенностей в разрезе мусульманского мира, исторической эволюции в Узбекистане, процессов формирования его инфраструктуры на примере города Ташкента, а также потенциала и перспектив развития.*

Ключевые слова: *святыня, Узбекистан, история, туризм, турист*

Abstract: *The article is devoted to the analysis of the emergence of the phenomenon of religious tourism, its place in the structure of the global tourism industry, features in the context of the Muslim world, historical evolution in Uzbekistan, the processes of forming its infrastructure on the example of the city of Tashkent, as well as the potential and development prospects.*

Keywords: *shrine, Uzbekistan, history, tourism, tourist*

Туризм бугунги дунё ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланган. Масаланинг муҳим жиҳати шу билан боғлиқки, ушбу соҳа жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан биридир. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурининг асосий механизмларидан бири сифатида белгиланган. Қуйидаги рақамлар мисолида мазкур механизмнинг вазни нечоғлик салмоқли эканига амин бўлиш мумкин. Охирги йигирма йилда дунё бўйича туристлар сони 5,1 фоизга ва туризмдан олинадиган қаттиқ валютанинг ҳажми 14 фоизга ўсган. XX аср ўрталарида дунё бўйлаб туристларнинг умумий сони бор-йўғи 25 млн. кишини ва туризмдан олинадиган даромад атиги 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткичлар мос равишда 846 млн. киши ва 733 млрд. АҚШ долларига етди. Туризм ва саёҳатлар бўйича Умумжаҳон кенгаши маълумотларига кўра, 2007 йилда туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 3,6 фоизни, унга туташ тармоқлар билан қўшиб ҳисоблаганда – 10,4 фоизни ташкил этган [1]. Бугун ушбу рақамларнинг бундан-да улканлиги аниқ.

Европадаги қатор мамлакатлар, айниқса, Швейцария, Австрия, Франция, Болгария тараққиёти манбалари ичида туризм алоҳида ўрин тутади. Масалан, Австрия ЯИМнинг 8,6 фоизи бевосита туризмдан олинади. Туризмнинг мультипликатив таъсири натижасидаги даромадлар ҳисобга олинса, ушбу кўрсаткич ўн фоиздан ортиқроққача етади [1].

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб туризм тобора кўпроқ оламшумул кўлам касб этиб бормоқда. Бунинг натижасида халқаро кўламли туризм бозори шаклланди. Бугун деярли барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам унинг фаол иштирокчисига айланишга интилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу соҳа билан боғлиқ амалий ишлар охирги йилларда мисли кўрилмаган даражада жадаллашмоқда.

Айтиш жоизки, замонавий туризмнинг йўналишлари хилма-хилдир. Охирги йилларда бундай йўналишлар қаторида тез-тез зикр қилинаётган диний моҳиятли муқаддас жойларни зиёрат қилиш билан боғлиқ диний-маънавий моҳиятли маърифий саёҳатлар ёки зиёрат туризми, аслида, саёҳат индустриясининг энг қадимий кўриниши эканига даъвогарлик қилишга ҳақлидир. Зеро, инсон маънавияти ва ўзлигини шакллантирадиган энг қудратли кучлардан бири, шубҳасиз, диний эътиқоддир. Шунинг учун ҳам одамлар нафақат ўзининг

дини, балки умуман динлар билан боғлиқ қадамжолар ва зиёратгоҳларни шахсан кўришга барча даврларда катта иштиёқ билан интилиб келган. Айтиш мумкинки, бундай саёҳатлар кўпчилик учун маънавий камолот йўли вазифасини бажаради. Мусулмонлар ҳаётида эса, ушбу ҳодиса ҳамиша алоҳида ўрин эгаллаб келган. Бунинг негизида исломнинг бешта арконидан бири сифатида ҳаж белгиланганини зикр этиш мантиқийдир. Айни шунинг учун ҳам Макка ва Мадина, нафақат ҳаж ва умра ибодати адо этиладиган муқаддас маскан эканидан ташқари, балки ислом дини кесимидаги диний туризмнинг бош манзилларига айлангани айни ҳақиқатдир.

Айтиш жоизки, зиёрат туризмининг моҳияти фақат диний ибодат билан чекланмайди, балки унинг қирралари кўпдир. Масалан, диний зиёратгоҳлар, одатда, асрлар давомида ривожланган меъморчилик санъати ютуқларини ўзида жамулжам этган моддий ёдгорликларнинг жойлашган ҳудудлар ҳамдир. Улар нафақат бетакрор безаклари, балки бой фалсафий мазмун ва моҳиятни ўзига сингдиргани билан ҳам бениҳоя жозибали ва ибратлидир. Шунинг учун ҳам зиёрат туризми халқларни ўзаро яқинлаштиради ва том маънодаги инсонпарварлик, шунингдек, диний бағрикенглик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади.

Умуман Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистонда қадим замонлардан буён йирик уламолар ва авлиёлар номи билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қилиш миллий-диний анъаналардан бири бўлиб келгани барчага маълум. Таъкидлаш жоизки, бунинг асосий сабаби, бундай жойларга одамларни етаклаган мақсад хурофий тасаввурлар бўлмасдан, балки улардан руҳий озуқа олиш, ҳаётнинг ҳақиқий маъносини англашга қаратилган тафаккурни чуқурлаштириш бўлганидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон заминида жойлашган бундай зиёратгоҳларнинг сони бениҳоя кўпдир. Ушбу таъкид, айниқса, бу ҳудудга ислом кириб келганидан кейинги даврларда содир бўлган жараёнлар учун алоҳида долзарбдир. Бунинг ҳам аниқ сабаблари бор, албатта.

Юртимизнинг ислом цивилизациясидаги юксак мақомини белгилайдиган омилларнинг энг муҳимларидан бири Марказий Осиёдаги биринчи ва иккинчи Ренессанслар даврида тарихий Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва самарали фаолият юритган илмий-маданий марказлардир. Уларнинг жуғрофий жойлашуви бугунги Ўзбекистон ва унинг айрим қўшни давлатлар билан туташган сарҳадларини ўз ичига қамраб олган. Бундай марказларнинг асосийлари қаторига Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хива, Уструшана (Жиззах воҳаси), Шош (Тошкент) ҳамда Ахсикент, Марғилон, Қўқон, Қубо (Қува), Хўжанд, Косонсой, Чуст, Ўзганд ва Ўш ҳудудларида фаолият кўрсатган сегментларни ўзида мужассам этган Фарғона водийси илмий-маданий марказларини киритиш мантиқийдир. Бундай марказларнинг шуҳрати чет элларга ҳам кенг тарқалгани туфайли хориж маърифатпарварлари ҳам уларга келиб, ўз илмини оширишга интилган. Мисол тариқасида, улардан бири буюк математик олим ва машҳур адиб Умар Хайём Самарқанд мадрасаларидан бирида тўрт йил таҳсил олган. У ўзининг “Рисола фи-л-бароҳин аъло масоил ал-жабр ва-л-муқобала” (“Алгебра ва тенгламалар бўйича масалаларнинг исботлари ҳақида рисола”) асарини Самарқанддаги ўқиши даврида ёзиб, шаҳар бош қозисига бағишлагани маълум. Боз устига, кейинчалик Бухорога бориб, у ерда ҳам илмини чуқурлаштирган [2:190]. Юқорида зикр этилган марказлардан етишиб чиққан алломаларнинг қазоси етиб, дафн этилган жойлари, кўпинча, омма томонидан эъзозланадиган зиёратгоҳларга айлангани табиий ҳол эди. Зеро, уларни хотирлаш орқали одамлар асрлар давомида тегишли мақбараларда абадий қўним топган алломаларнинг илму фан тараққиётига қўшган ҳиссасини улуғлаб келишган. Ислом дини ривожига беназир ҳисса қўшган алломалар номи билан боғлиқ бундай қадамжолар бутун мусулмон дунёси томонидан ҳам юксак эъзозга сазовор бўлган.

Барчага маълум сабаблар туфайли узоқ муддат қаровсиз қолиб кетган, ҳатто, харобага айланган юртимиздаги муқаддас қадамжоларнинг шону шавкати ва қадру қиммати мустақиллик йилларида жадал суръатлар билан тикланиб бормоқда. Буюк муҳаддислар ал-Бухорий, ат-Термизий, ад-Доримий, улуғ илоҳиётчи-мутакаллимлар ал-Мотуридий, ан-Насафийлар, беназир фақиҳлар ал-Марғиноний, аш-Шоший, тасаввуф пешволари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрори Валий ва бошқа кўплаб азиз-авлиёларнинг хоки поклари ётган ёки уларнинг табаррук номи билан боғлиқ, нафақат халқимиз, балки барча мусулмонларнинг маънавий қиёфаси ҳамда тафаккур тарзини белгилашга ўз таъсирини ўтказиб турган жойлар маҳобатли кўринишларда янгидан қад кўтармоқда. Амалга

оширилаётган бундай хайрли ишларни бирон-бир давр билан солиштиргинг келса, беихтиёр Амир Темур даврида мазкур соҳада қилинган улуғвор ишларга хаёлинг кетади кишининг...

Афсуски, тарих тақозоси ва турли-туман сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий ва бошқа сабаблар туфайли, жумладан, Темурийлар даври сўнгида бошланган сиёсий тарқоқлик оқибатида юртимизнинг илму маърифат маркази сифатидаги мақомига путур етди. Бунинг натижасида, америкалик машҳур олим Фредерик Старрнинг иборaси билан айтганда оламшумул аҳамиятли "маърифат бой берилди" [3:67].

Лекин истиқлол табаррук номлари зикр этилган ва кўплаб бошқа алломаларимизнинг илмий-маънавий меросининг ҳаётий кучини тиклаш ва халқимизга қайтариш учун лозим шароитларни муҳайё этди. Ушбу маънавий мероснинг юксак қиммати аллома бобокалонларимиз дафн этилган ёки уларнинг фаолияти билан боғлиқ тарихий жойларга бўлган ихлосни кучайтирмоқда, таъбир жоиз бўлса, уларни маънавий тарбиянинг таъсирчан ўчоқларига айлантирмоқда. Улар зиёрат туризми инфратузилмасининг таркибий қисмларига айланиб бормоқда. Баён этилган фикрнинг исботи сифатида мустақиллик йилларида Тошкентда ободонлаштирилган ва янгича моҳият касб этган айрим қадамжоларга қисқача тўхталамиз.

Пойтахтдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси шофеъийлик мазҳабининг етакчи олимларидан бири, муҳаддис, фақиҳ, тилшунос, шоир Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қаффол Шоший ал-Кабир (903-976 йиллар) мақбараси атрофида шаклланган. Қаффол Шоший мақбарасидан ташқари, мажмуа Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Намозгоҳ ва Тилла Шайх масжидларини қамраб олган. Буларнинг барчаси мазкур ҳудудни кенг омма томонидан эъзозланадиган муътабар қадамжога айлантирган. У нафақат Тошкент аҳли, балки бошқа ҳудудлар, жумладан, чет эллик, айниқса, мусулмон динига эътиқод қилувчи сайёҳлар томонидан ҳам катта қизиқиш билан зиёрат қилинади.

Таъкидлаш лозимки, Қаффол Шоший буюк имомлар – ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий ва ал-Марғиноний каби Мовароуннаҳр илмий-маданий марказларини ислом оламига машҳур қилган алломалар қаторига киради. Унинг қаламига мансуб "Усул ал-фиқҳ" асари шофеъийлилик мазҳабининг асосий манбаларидан биридир. Абдулкарим ас-Самъонийнинг "Насабнома"сида унга "аҳаду аиммат ад-дунйа фит-тафсир вал-ҳадис вал-фиқҳ вал-луға", яъни тафсир, ҳадис, фиқҳ ва тилшунослик бўйича дунёдаги пешқадам имомлардандир [4], деган юксак баҳо берилган. Мусулмон олимлари ҳақидаги бошқа биобиблиографик китоблар, жумладан, Муҳйиад-дин ан-Нававийнинг "Таҳзиб ал-асмо вал-луғот" асарида [5] ҳам шу каби эътирофлар такрор ва такрор учрайди. Ҳазрати Имом мажмуасининг таркибий қисми сифатида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази ушбу зиёратгоҳнинг илмий-маданий ва маънавий-маърифий аҳамиятини беқиёс оширди.

Эътироф этиш лозим, азим Тошкентнинг маънавий юраги ҳудудида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази эллик-юз йилда бир марта яратиладиган иншоотлар қаторига киради. Унинг ташаббускори бўлган мамлакатимиз раҳбари ғоясига кўра, Марказ моҳиятини аждодларимиз томонидан ислом цивилизациясига қўшилган беназир ҳиссанинг барча қирралари, жумладан, муқаддас динимиз равнақи, илму фан тараққиёти, маънавий камолот йўлидаги саъй-ҳаракатларини ўзида мужассам этган яхлит бир жисм бўлмоғи лозим. Унга ташриф буюрган ҳар бир фуқаро қандай буюк юртда туғилгани, қандай улуғ инсонлар вориси экани, зиммасидаги бурчнинг шарафию залвори нечоғлик улкан эканини чуқур ҳис қилиши керак. Токи бу ерга бир келган кишида, албатта, уни қайта зиёрат қилиш истаги уйғонсин. Агар у чет эллик бўлса, ушбу муассаса мисолида Ўзбекистоннинг ўтмишию бугуни ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилсин, яна келиш иштиёқи туғилсин. Зеро, хорижий сайёҳнинг вақти тиғиз, имконияти чекланган бўлади. Демак, Марказ юртимизнинг том маънодаги юзи ва моҳиятининг тимсоли бўлмоғи даркор. Ушбу мазмунда у зиёрат туризми тизимидаги ёрқин гавҳарга айланиши, унинг ҳаракатлантирувчи механизмларидан бири бўлишини давримизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шайх Хованди Тоҳур (XIV аср), Юнусхон мақбараси (XV аср), Қалдирғочбий мақбараси (XVI аср) каби қадамжоларни ўзида бирлаштирган ансамбл ҳам катта диний-маърифий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Шайх Хованди Тоҳур тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, ота томонидан хулафои рошидунларнинг иккинчиси – Умар ибн Хаттобга боғланиши туфайли ҳам саёҳатчиларда

катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, Шайх Хованди Тоҳур мақбараси Тошкентдаги энг қадимий исломий меъморий ёдгорликлардан бири ҳисобланади.

Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси таркибига кирадиган Юнусхон мақбарасига (XV аср) дафн этилган Юнусхон 1485-87 йилларда Тошкент ҳокими бўлган. У – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она тарафидан бобоси экани мақбарага бўлган қизиқишни янада оширади.

Охирги йилларда қайтадан бунёд этилган Сузук ота ансамбли тарихан Аҳмад Яссавийнинг набираси Мустафоқул шахси билан боғлиқ. Дастлаб XVI асрда барпо этилган ушбу мақбара Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил кўп қиррали диний-маънавий ва маданий-маърифий мажмуа шаклида қайта барпо этилди. Сузук ота ҳунарманд ва усталарнинг пири сифатида машҳур бўлгани учун ҳам ушбу ансамбл анъанавий ҳунармандчилик шаҳарчаси қиёфасини касб этди ва ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳларнинг севимли гўшаларидан бирига айланиб бормоқда.

Хўжа Алламбардор зиёратгоҳи Имом Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг сафдоши Мовароуннаҳрда ислом динининг равнақи йўлида алоҳида хизматлар қилган дин арбобларидан Хўжа Абдулазиз Аламбардор номи билан боғлиқ. Алламбардор, яъни байроқдор эл орасида дин байроғини баланд кўтарган шахс сифатида танилган Хўжа Абдулазизга атаб IX асрда бунёд этилган. Ушбу зиёратгоҳ дарвозахона, мақбара, чиллахона ва масжиддан иборат бўлган. Мақбара бир неча марта қайта тикланганига қарамай, унинг ичида ўша вақтда қадалган ислом байроғи туғи сақланиб қолган бўлиб, унда «Аллоҳ» ва «Муҳаммад» сўзлари ёзилган. Эътироф этиш лозимки, бундай қадимий асл ёдгорликнинг сақланиб қолгани ушбу қадамжонинг ҳам диний-маънавий, ҳам илмий-тарихий аҳамиятини бениҳоя оширади.

Хайрободий зиёратгоҳи машҳур олим ва шоир мавлоно Хайрободий эшон номи билан боғлиқ. XVII асрда бунёд этилган Хайробод эшон мақбараси ва масжиди нафақат мавлононинг Тошкентдаги авлодлари, балки кўп сонли адабиётсеварлар тарафидан ҳам эъзозланадиган зиёратгоҳдир. Мавлононинг “Куллиёт”и бизгача етиб келгани ҳам диққатга сазовор бўлиб, ушуб масканда қўним топган инсоннинг юксак илмий-маданий мақомини таъкидлаб туради.

Шаҳримиздаги Чўпонота шахсига атаб Мирзо Улуғбек томонидан XV асрда қурилган деб тахмин қилинадиган мақбара ва кейинчалик – XIX асрда қурилган масжиддан иборат зиёратгоҳ, XIII-XIV асрларда яшаган тариқат пешвоси Саид Ваққос ота, XV-XVII асрларда шаклланган Ҳофиз шайх Қўйлиқий – Қўйлиқ ота зиёратгоҳлари ҳам мустақиллик йилларидаги диний-маънавий моҳиятли ўзгаришлар туфайли янгича мазмун-моҳият касб этди.

Адолат юзасидан эслаш лозим: бундай ишларни мустақиллик даврида сиёсий ҳокимиятни бошқарган кучларнинг муваққат “ўйинлари” деб баҳолаганлар ҳам бўлган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи бундай иддаоларнинг пучлиги, давлатимизнинг диний эътиқодга бўлган муносабати нечоғлик холис ва содиқ эканлигини кўрсатиб турибди. Зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган бугунги амалий ишлар диний омилнинг ҳаётий мақомини тиклаш билан боғлиқ ишлар бардавом жараён бўлиб қолишининг яна бир исботидир.

Тошкент мисолида зикр этилган қадимий тарихга эга, диний-маънавий моҳиятли зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрнининг жадал ўзгариб бораётгани юртимизда зиёрат туризми йўналишининг нурли истиқболларидан дарак бермоқда. Бундай зиёратгоҳлар бутун Ўзбекистон бўйлаб сочилиб ётгани эса, унинг кенг қамровли иқтисодий лойиҳа, мамлакат иқтисодиётининг суянчиқларидан бирига айланиши салоҳиятини кўз-кўз қилиб туради.

Умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожланиши, яъни асрлар давомида шаклланган минглаб зиёратгоҳларнинг сайёҳлик масканларига айланиб бораётгани, бир тарафдан, диёримизнинг ислом цивилизацияси марказларидан бири экани билан боғлиқ халқаро имижини янада бойитса, иккинчи жиҳатдан, янги ишчи ўринларнинг яратилиши орқали ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий юксалишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. https://ria.ru/20181112/1532611816.html
2. Мамраимов А. Великий Шелковый путь. Алматыкитап. 2013.
3. Starr S. Frederick. Lost Enlightenment: Central Asia’s Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. Alpina Publisher, 2019.
4. Ас-Самъоний А. Насабнома. “Ҳилол нашр”, Тошкент, 2017, -250 б.
5. ص. 556، يناثلا دلجملا .تاغللا و ءامسلا بيذهت .م ىوونلا